**ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ МАНГУ ПОРЛАСИН** 2-бет



**УЙ-ЖОЙ — КОММУНАЛ ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИСИЗ?** 4-5-бет

**ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА** 6-бет



**«ШУМ БОЛА» ГРЕК ТИЛИДА** 7-бет


ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 136 (9.939) / 2003 ЙИЛ 14 ИЮЛЬ


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

❐ **БЕКТЕМИР** туманидаги «Истиқбол» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши ҳамда педагог-тарбиячилар ҳамкорлигида «Кўчма оммавий спорт ўйинлари» бўлиб ўтди. Унда маҳалла ёшларидан қарийб 200 нафари спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашдилар.

❐ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги Санъат саройида шаҳар фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маданият ва истироҳат боғлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида «Огоҳлик масъулиятдир» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

❐ **МИРЗО** Улуғбек туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан 15-16 ёшдаги ўсмир болалар ўртасида футбол бўйича туман биринчилиги бўлиб ўтди.

❐ **ЮНУСОБОД** туманидаги «Нуронийлар оромгоҳи»да «Оилам соғлом бўлса — маҳаллам обод» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Унда Юнусобод туманининг 5 та маҳалласидан ибратли кишилар турли шартлар бўйича беллашдилар.

❐ **РЕСПУБЛИКА** Болалар жамғармасида «Ҳар бир болага меҳр ва эътибор» халқаро компанияси доирасида нодавлат ва нотижорат ташкилотлар аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

❐ **ҒАФУР** Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Чилонзор туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Барҳаёт сиймолар» туркумидан машҳур қизиқчи Рустам Ҳамроқулов ижодига бағишланган хотира ва кулги кечаси уюштирилди.

❐ **ИНВЕСТИЦИЯ** институтлари миллий уюшмаси бўлиб ўтган йиғилишда уюшма аъзолигига қабул қилинган ташкилотлар билан илашнинг янгича йўналишлари хусусида сўз борди.

❐ **ТОШКЕНТ** молия институти томонидан 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ташкиллаштирилиб, болажонларга совғалар туҳфа этилди. Энди ушбу даргоҳда тарбияланувчилар учун махсус курслар очилади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



**Пойтахтимиздаги «Тонг» акционерлик жамиятининг цехлари замонавий тикув машиналари, дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, унумли меҳнат учун барча шароитлар мавжуд.**

**СУРАТДА: корхонанинг ёш, интилувчан тикувчиларидан Доно Мирзааҳмедова иш устида.**

**Сергей Любчич олган сурат.**

*ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:*

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Украинанинг мамлакатимиздаги элчихонасида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненко икки мамлакат ўртасидаги яқин муносабатлар, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликнинг бугунги аҳволига тўхталди.

— Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда, — деди элчи. — Жумладан, рақамларга назар ташласак, ўтган олти ой ичида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ортиб, 160 миллион АҚШ долларига етди. Бунда, шубҳасиз, икки мамлакат Президентларининг учрашувларида эришилган аҳдлашувлар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда Украинанинг йирик компаниялари мамлакатимиз бозорига фаол кириб келмоқда. Хусусан, йил бошида «Донбасс саноат уюшмаси» корпорациясии Ўзбекистонга катта ҳажмдаги қувурлар, бурғилаш ва конларни қидиришда фойдаланиладиган техника етказиб бериш учун ўнта шартнома имзолаган эди. Ўтган олти ой давомида ушбу корхона мамлакатимизга қиймати қарийб 10 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот етказиб берди.

Украинанинг «Сож Инвест» молия-саноат компанияси билан «Ўзкабель» давлат акциянерлик компанияси кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилиши ниҳоясига етиш арафасида турибди. Бундан ташқари мазкур компания Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан ҳам қўшма корхона тузишни режалаштирган.

Икки мамлакат таълим соҳасида ҳам ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу йил 31 нафар ўзбекистонлик иқтидорли йигит-қиз турли йўналишлар бўйича Украинанинг нуфузли таълим муассасаларида таҳсил олади.

Улар фойдали қазилмалар, тоғ-кон саноати, металлургия, экология каби соҳалар бўйича беш йил давомида билим ва малакаларини оширади. Талабаларнинг ўқиш харажатларини Украина томони ўз зиммасига олган.

**Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири.**

## ТАРАҚҚИЁТГА РАСМИЙ ЁРДАМ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Тараққиётга расмий ёрдам» (ODA) дастури доирасида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, Япония элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари иштирок этди.

Семинарда таълим, соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, телекоммуникация инфратузилмасини ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалигига янги технологияни жорий этиш ва маданий ёдгорликларни асраш бўйича молиявий ҳамда техникавий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга татбиқ этишга оид масалалар муҳокама этилди.

ODA дастури Япония ташқи иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, ривожланаётган ҳамда ўтиш давридаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур дастурнинг молиявий кўмаги билан Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари аэропортлари қайта таъмирланган эди. Шунингдек, ODA кўмагида мамлакатимиздаги телекоммуникация тармоқлари ва саноат корхоналари замонавийлаштирилиб, Шўртан газ-кимё мажмуи ва Кўкдумалоқ газ компрессорлаш станцияси қуриб ишга туширилган.

Ҳозир мазкур дастур доирасидаги янги лойиҳаларга биноан ажратилган имтиёзли кредитлар ёрдамида республикамиз коллежлари замонавий ускуналар билан жиҳозланаётир. Мамлакатимиз вакиллари Японияда ўқиб, малака оширмоқда.

**(ЎзА).**

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польшага ташрифи давомида Польша Республикаси бош вазири Лешек Миллер билан учрашди. Гданск шаҳрида бўлди. Президентимизнинг Польшага ташрифи 12 июль куни ниҳоясига етди.**

● **Кеча «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказида мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб полиграфия, нашриёт, реклама ва қадоқлаш соҳаларини ривожлантиришга бағишлаб ташкил этилган «O'ZBEKinPRINT ва O'ZUPACK» халқаро кўргазмалари ниҳоясига етди.**

● **Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган АБН-АМРО банк Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ турдаги акциядорлик жамиятига 35 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Мазкур маблағ мис ва руҳ маҳсулотлари экспортини кўпайтиришни молиялаштиришга қаратилган.**

● **Жиззах вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши ва шу куннинг долзарб вазифаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

● **Навоий вилояти ғаллакорлари давлатга дон топшириш шартнома режасини бажардилар. Юрт хирмонига 88 минг 400 тонна ғалла етказиб берилди.**

### Жаҳонда

● **АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Нигерияга ташрифи билан унинг Африка мамлакатларига қилган сафари ниҳоясига етди.**

● **Ядро қуролларига эга икки давлат — Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви сабабли бундан 18 ой аввал узиб қўйилган автобуслар қатнови қайтадан йўлга қўйилди.**

● **Хитойнинг Шарқий ҳудудларида юз берган кучли сув тошқинлари натижасида 500 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Мазкур табиий офат мамлакат қишлоқ хўжалигига ҳам катта зарар келтирди.**

● **Суданда 115 кишининг ҳаётига зомин бўлган авиация ҳалокатида мўъжиза туфайли тирик қолган ягона икки ёшли бола даволаш учун Лондон шаҳрига келтирилди.**

● **Чеченистоннинг Беной-Ведено қишлоғида бомба портлаши натижасида Россия федерал хавфсизлик кучларининг учта аскари ҳалок бўлди, яна учтаси жароҳатланди.**

● **Таиландда ҳаваскорлар ўртасида ўтказилаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Шерзод Ҳусанов 69 килограммгача вазнда финалга чиқди.**

# Транспорт

## НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА

**Шаҳримиз аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш йўлида жамоат транспорти воситалари бир зум бўлса-да тинмайди. Ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларининг узоғини яқин қилишда 8-автосарой жамоасининг ўз ўрни бор.**

Ҳозирги кунда автосаройнинг 524 нафар ишчи-хизматчиларининг баракали меҳнатлари туфайли йўловчилар ҳар куни манзилларига бехатар етказилмоқда. Корхона тасарруфидаги 99 та транспорт воситалари, улардан 57 таси «Мерседес-Бенц», шунингдек, «ДЭУ» ҳамда «Отайўл» мини автобусларининг малакали ҳайдовчилари 5 ой давомида йўловчи ташиш хизматидан 1.157,9 миллион сўм фойда келтирдилар.

Барча автобусларнинг техник соз, салонлари тоза, саранжом бўлиши йўлида жонбозлик кўрсатаётган таъмирловчи усталар ишлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Мазкур автосарой жамоаси бундан буён ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлида ҳаракат қилмоқда.

## ТЕХНИК КЎМАК БЕРИЛАДИ

**Шаҳримизда автомашиналар сони ошиб бориши билан бир қаторда уларга техник хизмат кўрсатувчи тузилмалар ҳам бисёр. Улардан бири Сергели туманидаги «Сергели-автосервис» акциядорлик жамиятидир.**

Мазкур жамиятнинг 60 нафар ишчи-хизматчиларининг ғайрат-шижоатлари туфайли аҳолига бир неча турдаги малакали хизмат турлари кўрсатилиб, мижозлар кўнгли хушнуд этилмоқда. Айниқса, маркетинг бўлими ходимларининг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Чунончи, жамиятга қарашли «Сергели автосалон» дўконида ўзимизда ишлаб чиқарилган «Нексия», «Тико», «Дамас» ҳамда «Матиз» русумидаги автомобиллар ва уларга эҳтиёт қисмлар сотилади. Бундан ташқари устахонада кафолатли муддат мобайнида автомашиналарга техник хизмат кўрсатилади. Жамият аъзолари «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси билан ҳамкорликда иш юритмоқдалар.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

## ПИШИҚ ВА РАНГ-БАРАНГ

**Пойтахтимиз йўллари равон, кўприклари мустаҳкам бўлишига эришиш билан бирга йўлаклар чиройига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бу борада шаҳримизда фаолият кўрсатаётган йўлак плиткалари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарнинг алоҳида ўрни бор. «ABADAN» хусусий корхонаси ана шундай жамоалардан саналиб, бу ерда маҳнат қилаётган тадбиркорлар плиткаларнинг турларини кўпайтириш, сифатини ошириш, мустаҳкамлигини таъминлаш борасида изланишмоқда.

Корхонада маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрланаётган йўлак плиткаларининг шакллари турлича бўлиб, улар йўлак, бинолар атрофи, дам олиш хиёбонларига ўзгача чирой бағишлайди. Бугунги кунга келиб маҳсулот турлари 6 хилга етган ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз вилоятларидан тушган буюртмалар ҳам сифатли бажарилмоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

# Шу юртда яшаётганимдан фахрланаман

**«Тошкент оқшоми» анкетаси саволларига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Ёқубжон ИСПАНДИЁРОВ жавоб беради:**

**1. Истиқлол сизнинг тақдирингизда**

**2. 12 йил мобайнида ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгаришлар ва янгиланишларни таъкидлар эдингиз?**

**3. Келажакни қандай тасаввур этасиз?**

1. Истиқлолимиз мадҳи шоиру ёзувчиларимиз дилларидан тилларига кўчади. Мен ўшандай мадҳияни ёза олмасамда унинг қадрини, буюклигини чин дилдан ҳис этаман. Айниқса, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимиз шодиёналари, Истиқлол қувончлари нишонланар экан, қалбим ғурурланиб кетади. Ҳа, чиндан ҳам истиқлол юртимиз истиқболини белгилаб берди. Ана шу истиқболни яратувчилар биз ва бизнинг фарзандларимиз, мустақил юрт фидойиларидир.

Мустақиллик меҳнатларим қадрини берди, касбимга алоҳида меҳр уйғотди. Энг бахтли куним Истиқлолнинг 10 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонларига кўра, юксак унвон — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» номига сазовор бўлганимдир. Ҳаётим ва меҳнат фаолиятимдаги энг ёрқин давр Мустақиллик шарофати билан амалга ошгани мени ниҳоятда тўлқинлантиради.

2. Меҳнат жамоамиздаги ўзгариш ва янгиланишлардан энг муҳими — ҳамшаҳарларимизга ўтган йилда катта байрам туҳфаси бўлган — метронинг учинчи — «Юнусобод» йўналишининг биринчи навбати фойдаланишга топширилганидир. Албатта, бу ишда «Тошметроқурилиш» бирлашмасига қарашли бизнинг 2-туннел отрядимиз бунёдкорлари ҳам фаол иштирок этишди. Юзлаб ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари олдида юзимиз ёруғ бўлди. Уларнинг чеҳраларидаги мамнуният эса бизни янада янги ишларга ундаши, шубҳасиз.

Албатта, жуда катта маблағ сарфланган, жаҳон андозалари даражасидаги бетакрор янги бекатларнинг бунёд этилиши, уларда поездларнинг бетўхтов қатнови йўловчиларга яратилган жуда катта қулайликдир. Ушбу қулайлик эса халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида мустақиллик туфайли амалга оширилаётган ишлар сирасига кириши, мустақилликни мустаҳкамлашда жамоамизнинг камтарона ҳиссасидир.

3. Мана шундай кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларидан кўриниб турибдики, келажакда мустақил юртимиз бундан-да обод, бунданда беқиёс, такрорланмас иншоотлари билан жаҳон аҳлини лол қолдириши, шубҳасиз. Ҳозирда ҳар бир соҳа ўзига хос тарзда ривожланмоқда, яратилган имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланмоқда. Ишонаманки, бундан буён ҳам қурилишларимизда кескин бурилишлар бўлади. Сифат, самарадорлик янада ортади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони қоидаларини тўла ҳаётга татбиқ этиш асосида бунёдкорлик соҳасида туб ўзгаришлар бўлади. Келажакда энг чиройли, салобатли, барчани лол қолдирадиган бетакрор биноларни маҳаллий ва рақобатбардош, ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш ашёлари ҳисобига забардаст ва ёш, билимли қурувчиларимиз тиклашига аминман.

**• САНОАТ**



# ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг юраги, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки бу ерда ўтган 60 йил мобайнида 630 мингта трактор ва 1 миллион 200 минг дона тележка ишлаб чиқарилиб, деҳқонларга етказиб берилди.**

Корхона жамоаси юзага келаётган баъзи қийинчилик ва муаммоларни омилкорлик билан енгиб ўтишга ҳаракат қилмоқда. Эътиборлиси шундаки, жамоа маҳсулотлари четга ҳам экспорт қилинмоқда. Туркия, Россия, Мўғулистон, Қозоғистон, Покистон, Ҳиндистон каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Россиянинг Барнаул шаҳрида тракторсозларнинг савдо уйи очилмоқда. Ўзбекистон—Хитой давлатлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бу ерда кичик ҳажмдаги, кўпчилик орзиқиб кутган тракторни йиғиш ишлари йўлга қўйилган.

— Хитойдан бизга келаётган эҳтиёт қисмлар шу ерда йиғилиб, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, — дейди «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Анатолий Танцеров. — Ҳозирча зарур қисмларнинг аксариятини хитойлик дўстларимиз жўнатишмоқда. Келгусида эса бутловчи қисмларни ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидамиз. Корхонада йиғилаётган ВУ 300, ВУ 304 каби мини тракторлар фермер хўжаликлари, пудратчилар, соҳибкору боғбонларга жуда асқотмоқда. Улар боғ оралариги ишлов беришда ҳам жуда қулай. Жамоада ишлаб чиқарилаётган мини бульдозер ерга ишлов беришга мўлжалланган, мўъжазгина трактор эса юк ташишда жуда қўл келади. Бундан ташқари осма плуглар, ўғит сепишга ихтисослаштирилган мосламалар деҳқонларимизга манзур бўлмоқда.

Корхона мутахассисларининг изланишлари эса давом этмоқда. Энг муҳими улар бугунги бозорни ўрганиб, унинг талаблари асосида иш юритаётганидир.

**Шаҳло ҲОШИМОВА.**

**СУРАТЛАРДА: дастурий бошқариш оператори Санобар Маҳмудова; олтинчи тоифали чилангар-йиғувчи Хушмурод Умарқулов иш устида; «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган замонавий тракторлар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**





**• АНЖУМАНЛАР**

# Алоқалар мустаҳкамланмоқда

**Фан, таълим-ишлаб чиқариш тизимида илм — асосий негиздир. Бугунги кун талаби ҳам жаҳон таълим соҳасини ўрганиш, хориж билан ҳамкорлик асосида замонавий ахборот технологияларини юртимизда жорий этишни кенгайтиришдан иборат.**

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат техника университети, Корея Логос Менежмент Ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган «Таълим ва иқтисодий ўсишни ривожлантиришда янги ахборот ва замонавий технологияларни қўллаш» мавзуидаги халқаро илмий семинар юқоридаги масалага бағишланди. Семинар профессор-ўқитувчилар, докторант ва аспирантлар ҳамда илмий ходимларнинг илмий ишлари натижаларини таҳлил этиш ҳамда университет ва Корея олимларининг илм соҳасидаги халқаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш, фан ва техникада олимларнинг эришган натижаларини оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Ушбу халқаро анжуманда 20 дан зиёд кореялик олимлар ва ТошДТУ ўқитувчилари, шунингдек республикамизнинг бош олий ўқув юртлари олимлари ўзларининг илмий маърузалари билан қатнашдилар. Анжуман якунида ТошДТУ олимлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг халқаро микёсга кўтариш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга ошириш келишиб олинди.

Семинарнинг тезислар тўплами Кореяда чоп этилади.

**Ҳулкар МАМИТОВА**

• ШИРКАТЛАРДА

**Қаерда меҳнат қилмайлик, зиммамиздаги вазифани сидқидилдан бажарсак, масъулиятни дилдан ҳис этсак, албатта ишда унум, барака бўлади. Ундан ташқари эса атрофдагилар ишончига, ҳурмату ихлосига сазовор бўламиз. Шу боисдан бўлса керак Чилонзор туманида ташкил этилган 60 дан ортиқ уй-жой мулкдорлари ширкати орасида ўз ўрнини топаётган «Фидокор-коммуналчи» жамоаси хизмат сифатига, буюртмачи талабига жавоб беришга интилиб, ишга талабчанликни кучайтирган.**



# Мақсадлари муштарак

Кўпчилик ширкатлар фаолияти билан танишар эканмиз, раҳбарларнинг «Уйларимиз бир неча йиллар мобайнида таъмирланмаган, эски, муаммолари тиқилиб ётибди, уларни ечиш эса жуда қийин» деган нолишларини эшитамиз. «Фидокор-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раиси Қаҳрамон Рўзимов эса «Гап уйларнинг янги ёки эскилигида эмас, улардаги юзага келган муаммоларга ўз вақтида ёндашувда, имконият топиб уларни ҳал этишда» деб жавоб берди.

Ширкат 2001 йилнинг 2 сентябрида иш бошлаган. — Биз барча ширкат раҳбарлари уйларни танлаб олгандан кейин, қолганларини олганмиз, — дейди раис кулимсираб, — менимча гап уйда эмас, балки ана шу бинода яшовчиларнинг ҳамжиҳатлигида, ўз ҳудудини асраб-авайлашида. Тасарруфимиздаги 26 та кўп қаватли турар жой биносида 1952 та хонадон мавжуд. Иш бошлаганимизда энг аввало яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитдик, ўз вазифаларимиз билан биргаликда, уларнинг мажбуриятларини ҳам тушунтирдик. Тўғри, кўпчилик билан ишлаганда, фикрлар ҳам ҳар хил бўлади. Лекин асосий мақсад бир бўлиши лозим. Жумладан, бизнинг мақсадимиз яшовчилар билан муштарак, яъни улар намунали хизмат, талаблар даражасидаги қулайлик истайди, ходимларимиз эса ана шу истакларни бажариш, уйларимизнинг ҳар доим саранжом-саришта бўлишига эришиш йўлида изланишади. Бу борада ҳар бир ходимнинг ўз вазифаси, ўзи жавобгар биноси бор. Бу ҳам унинг зиммасига кераkли масъулиятни юклайди.



Биринчи навбатда уйларнинг ертўлалари тартибли бўлишига эътибор кучайтирилди. Шу кунга қадар эса 9 та уй капитал таъмирдан чиқарилди. Уйларнинг 3 таси ширкат маблағлари ҳисобига таъмирдан чиқарилди. 47-, 48-, 50-уйларнинг йўлаклари ҳам таъмирланди. Айни пайтда 42 ва 32-уйларда капитал таъмир давом этиши билан бирга барча уйларда қишки мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ушбу юмушларда Абулқосим Йўлдошев, Исмоил Дадашев, Шукур Исломов, Алла Умарбекова сингари ходимлар, шунингдек, ширкат билан узвий ҳамкорлик қилиб, ёрдам бераётган Евдокия Редина, Августина Черкасова, Нина Аҳророва каби уй бошқарувчилари фаол иштирок этишмоқда.

— Бизда шундай тартиб-интизом мавжуд, — дейди Қаҳрамон Рўзимов, — ҳар бир мутахассис танлов асосида олинган бўлиб, агар ишни сифатли бажармаса, яна қайта ўз ҳисобидан ишлашга мажбур бўлади. Шунингдек, ходимларимиз кўпчилигининг ширкатимизга қарашли уйларда яшаши бирор бир авария ҳолатлари содир бўлса унинг тез ва вақтида бартараф этилишида қўл келади. Албатта, фойдаланиш харажатлари тўловларидан ташқари қўшимча маблағлар топишга ҳам саъй-ҳаракат қиляпмиз. Бу билан ишимизда муаммолар йўқ, демоқчи эмасман. Аммо муаммоларни ечишда имкониятларимизни ишга соламиз. Керак бўлиб қолганда эса «17-мавзе» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Қосимов, участка нозири Баҳодир Бойқувватовларни ҳам ҳамкорликка ундаймиз. Айтмоқчиманки, ҳамма нарса ҳаракатга боғлиқ.

Халқимизда «Сендан угина, мендан бугина» деган ибора бор. Бу бежизга айтилмаган. Баъзи хонадон эгалари кўпинча сифатли хизматни, уйларни, йўлакларни таъмирлаб беришни талаб қилишади, лекин тўловларни вақтида тўлашмайди. Ахир бундай юмушлар катта маблағ талаб этади. Шунинг учун ҳам ширкат ходимлари тез-тез хонадон эгалари билан учрашиб суҳбатлашиши, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши керак. Демоқчимизки, уйда яшовчилар ҳисоб-китобдан хабардор бўлишлари лозим.

Раиснинг таъкидлашича, бу борада ҳали анча ишлар қилиниши керак. Чунки хонадон эгалари орасида «Менинг нима ишим бор» дегувчилар ҳам анчагина учраб туради. Лекин шуни унутмаслик лозимки, уй барча хонадон эгалариники, улар ширкатга ўз хоҳиши билан бирлашган. Шу боисдан ҳам улар нафақат ҳуқуқларини рўкач қилиши, балки мажбуриятларини ҳам англамоғи шарт-да. Ана шундагина ҳамжиҳатлик юзага келиб, ширкат тузилишидан кўзланган асосий мақсадга эришилади.

Сирасини айтганда, юқоридаги ширкат ходимлари ана шу мақсадни асос қилиб олишган. Бунинг учун эса ширкатга суянган, унга аъзо бўлган яшовчиларнинг ишончини қозонмоқ лозим.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: ширкат бошқаруви раиси (ўнгдан биринчи) Қаҳрамон Рўзимов хонадон эгалари билан; пайвандчи Бахтиёр Ҳайдаров ва чилангар Исмоил Дадабоевлар қишки мавсумга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## Тошкентим — боғу бўстоним

# ҲИССАМИЗ БЎЛСИН

**• Маматнаби АЙТМЕТОВ, Яккасарой туманидаги «Ҳайитмат бобо» ширкати директори:**

— Мамлакатимиз пойтахти, Шарқ машъали Тошкентимизни ҳамиша ёш ва навқирон, обод ва кўркам кўриш, шу билан бирга унинг чиройига чирой қўшишда иштирок этиш ҳар бир ҳамшаҳримизнинг эзгу нияти бўлса керак. «Тошкент оқшоми» газетасида ўтган ойда «Тошкентим — боғу бўстоним» рукни ташкил этилиб, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар бизга ҳам жуда маъқул келди.

Шу боисдан ҳам хонадон эгалари билан бамаслаҳат тасарруфимиздаги кўп қаватли уй-жойлар атрофини манзарали дарахт ва турфа гуллар билан кўкаламзорлаштиришга эътибор қаратмоқдамиз. Бу ишга хонадон аъзоларини жалб этиш ўз самарасини беришини жуда яхши биламиз. Негаки, албатта инсон ўз қўли билан эккан ниҳолини ўзгача меҳр-муҳаббат асосида парваришлайди. Ота-оналарининг ишини кузатиб фарзандларимиз ҳам гул ва ниҳолларга меҳр қўйиши, уларни ўстиришга ҳаракат қилиши, шу билан биргаликда авайлаб-асраши шубҳасиз.

Эрта кўкламдан бошланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларимизнинг йил бўйи давом этишига эришяпмиз. Бугунги кунда Фарҳод, Усмон Носир, Суқрот кўчаларидаги 7, 10, 12, 18, 132, 132/1, 132/II-уйлар атрофига экилган 100 тупдан зиёд турли дарахт ниҳоллари ва ранг-баранг гул кўчатлари барқ уриб ривожланмоқда.

Албатта, шаҳримиз чиройи, уни гулу гулзор ва кўкаламзор бўлишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз. Шунинг учун нафақат хусусий уйларимиз атрофи, балки кўп қаватли уйларимизнинг йўлаклари ҳам ораста, ҳовлилари салқин ва гулзор бўлиши учун ҳаракат қилмоғимиз лозим. Шунингдек, ҳар бир йўлакни ҳам таъмирлаб, у ерга гултувакларда гул қўйилса, уни хонадон эгалари парваришласа қандай яхши. Шаҳримизда ана шундай намунали уйлар бор, албатта. Биз ҳам уйларимизни пойтахтимизда ҳар томонлама намунали чиройли ва кўркам, атрофлари кўкаламзор ва гулзорга айлантиришга ҳаракат қилиб, бу ишга барча яшовчиларни жалб этишга ҳаракат қиламиз. Уйларимиз ҳовлиларида эрта баҳордан кеч кузгача ранг-баранг гуллар товланиб турса кўрган одамнинг баҳри-дили очилиши, шубҳасиз.

# УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар

• ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

# ҚОНУН ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

**Кўпчилигимиз, айниқса кўп қаватли уйда истиқомат қилувчилар баъзида бир неча кун хонадонимизда иссиқ сув, совуқ сув бўлмаслигидан, лифт ойлаб ишламаслигидан азият чекамиз. Тегишли ташкилотларга қўнғироқ қиламиз. Лекин «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни барчамиз биламиз, деб айта олмаймиз. Тўғри ҳамма бирдай эмас, ана шундай пайтларда қонунни билганлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришадилар.**

Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг маълумотлариг кўра, жорий йилнинг ўтган даврида келиб тушган 103 та ариза ва шикоятларнинг 73 таси коммунал хизматлар бўйичадир. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилиб, истеъмолчилар талаби қондирилган. Уларга етказилган зарарлар ундириб берилиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Жумладан, Юнусобод тумани, 6-мавзе, 34-уйда яшовчи истеъмолчилар томдан чакки ўтиши муносабати билан юзага келган муаммолар хусусида арз қилишган. Мазкур ариза уйга хизмат кўрсатувчи «Файз-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати билан бошқарма ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, ариза эгаларининг шикояти ўз тасдиғини топди. Натижада истеъмолчилар талаби қондирилиб, уйнинг томи таъмирлаб берилган.

Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 505-уй, 90-хонадонда яшовчи истеъмолчи З. Тошбоева бошқармага ариза билан мурожаат этди.Аризани ижобий ҳал этиш мақсадида ходимлар томонидан ўрганиб чиқилди. Натижада «Янги умидли коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати кўрсатилмаган хизматлар учун истеъмолчилар тўлаган 140094 сўм миқдоридаги маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб ундирилди ва лифт ҳам ишлай бошлади.

Ана шундай лифт ишламаётгани туфайли юзага келган муаммолар бўйича Мирobод тумани, Чехов кўчаси, 10-уйда яшовчи истеъмолчи аризаси «Барака-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати билан ҳамкорликда кўриб чиқилди. Натижада юқоридаги ширкат томонидан истеъмолчиларга кўрсатилмаган хизматлар учун 24879 сўм миқдоридаги пул қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Иссиқ сув таъминотида юзага келган узилишлар хусусида Мирobод тумани, Одилхўжаев кўчаси, 1-уйда яшовчи истеъмолчилардан келиб тушган шикоят ҳам истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. Ушбу аризанинг Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанцияси билан ҳамкорликда кўриб чиқилиши натижасида фактлар тасдиқланди ва дистанция томонидан истеъмолчиларга кўрсатилмаган хизматлар учун 21120 сўм қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. Шу билан биргаликда иссиқ сув таъминоти қониқарли даражага келтирилди.

Шунингдек, Юнусобод тумани, Зокиров кўчаси, 1-уй, 9-хонадонда яшовчи М. Темирхонов, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 23-уй, 40-хонадонда истиқомат қилувчи З. Ҳамидовадан иссиқлик таъминотидаги муаммолар, хизматнинг талаблар даражасида эмаслиги хусусида бошқармага келиб тушган шикоятлар ҳам истеъмолчилар фойдасига ҳал этилиб, уларнинг ҳуқуқлари тикланди. «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасидан М. Темирхоновга 2528 сўм, З. Ҳамидовага 9302 сўм кўрсатилмаган хизматлар учун қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими эса истеъмолчи талабчан бўлса, у ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал билса, хизмат кўрсатувчилар ҳам ана шу талаб даражасида меҳнат қилишга интилади. Истеъмолчилар шуни унутмасликлари лозимки, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамиша уларни ҳимоя қилади.

**(Ўз мухбиримиз)**



• МУСОҲАБА

# Газ — роҳат, ҳисоблагич — тежам

**Газ — жоннинг роҳати, деймиз. Унинг хизматидан қишин-ёзин фойдаланамиз. Турмушимизда оғиримизни енгил қиладиган ушбу беминнат дастёрнинг қадрини эса ҳамиша ҳам билавермаймиз. Йўқса, уни тежаб-тергаган, ёқилган газ ҳақини ўз вақтида тўлаган, ҳисоблагичлар ўрнатилишида кўмаклашган бўлардик. Ана шу қимматбаҳо бойлигимизни аҳолига етказиб беришда, тежамкорлигига эришишда, газ ҳисоблагичларни режа асосида ўрнатишда Юнусобод туманида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг самараси хусусида тумангаз таъминоти бошқармаси раҳбари Шуҳрат ТОЖИЕВ билан суҳбатлашдик.**

— Туманимизда 77804 та хонадон газлаштирилган бўлиб, шулардан 14122 таси хусусий уйлар ва 63682 таси кўп қаватли хонадон эгаларидир, — дейди Шуҳрат Тожиев сўз бошлаб. — Шунингдек, ҳудудимиздаги корхона, ташкилот ва муассасаларни узлуксиз ва бехатар газ билан таъминлаш борасида 133 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

**— Бугунги кунда ана шу ишчи ходимларнинг асосий эътибори нималарга қаратилган?**

— Барчага маълумки, бугунги кунда ҳисоблаш ускуналарининг афзалликлари, ресурсларни тежашдаги аҳамияти яққол кўзга ташланмоқда. Хонадонларга ўрнатилган газ ҳисоблагичлар мониторингини ўтказганимизда бунинг гувоҳи бўлаяпмиз. Энг муҳими эса бу нарсани хонадон аъзолари ҳам сезишмоқда, тежамкорликка эътибор қаратишмоқда. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш анжомлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Ҳудудимиздаги хусусий хонадонларга ана шундай анжомларни ўрнатиш режаси 98 фоиздан зиёдга адо этилди. Йил охиригача ушбу рақам 100 фоизга етади. Лекин сирасини айтганда, жорий йилнинг ўтган ярми мобайнида ҳисоблагичлар ўрнатиш режамиз кўзланган натижани бермади. Бунинг асосий сабаби ҳисоблагичларнинг вақтида етказиб берилмагани ва ўрнатиш учун зарур бўлган пайвандлаш ашёсининг бўлмаганидир. Аммо, албатта кейинги ойларда режани кўзланган марраға етказиб олиш имкониятларимиз бор.



Жорий йил охиригача жами 28 минг донадан ортиқ, 1000 та хусусий уйлар ва 27 мингтадан зиёд кўп қаватли бинолардаги хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, газ ҳисоблагичлар ўрнатиш натижасига кўра 40-60 фоиз тежамкорликка эришилмоқда.

**— Маълумки, қиш мавсумида пойтахтимизнинг айрим маҳаллаларида газ таъминоти пасайиб, истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозлари кўпайиб кетади. Бу мавсум тараддудининг сустлигими? Бу борада сизнинг жамоангизда қандай ишлар бажарилмоқда?**

— Ҳар бир юмушнинг вақтида бўлгани яхши. Тўғри, баъзида қиш мавсумида газнинг кириб келиши камайиб кетади. Лекин бу бизнинг тайёргарлигимиз билан боғлиқ эмас. Биз иложи борича кириб келган газни истеъмолчиларга бетўхтов узатамиз. Мана ҳозирги кунда ҳам кузги-қишки тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Шу кунгача бошқармамиз томонидан хонадонлардаги газ асбобларини техник тафтишдан ўтказиш режаси бажарилди. 200 та газ тақсимлаш мосламасининг кўзда тутилган 80 таси техник текширувдан ўтказилди.

Шунингдек, «Обод» ва «Посира» маҳаллаларидаги хонадон аҳллари учун газ таъминотини янада яхшилаш мақсадида 5 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилиб, юқори босимли газ тақсимлаш мосламаси ўрнатилди. Газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари эса айни пайтда «Қўшчинор», «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳаллаларидаги кўп қаватли уйларда олиб борилмоқда. Бу ишга бошқармамиз қошида тажрибали мутахассислардан иборат 5 та пайвандчилар бригадаси ҳамда 8 та хусусий фирмалар жалб этилган. Айниқса, намунали ва сифатли иш бажариб, истеъмолчилар талабига жавоб бераётган «Деновсантехгазмонтаж», «Юфаст», «ДНПП Чернобиль» фирмаларини таъкидлаш лозим.

Газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ишларини жадаллаштириш, тўловларни ўз вақтида бажаришни амалга оширишда «Обод», Мансурхўжаев, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев маҳаллалари фаоллари бизга яқиндан ёрдам беришмоқда.

**— Келгусида олдингизда яна қандай долзарб вазифалар турибди?**

— Ўтган даврда туманимиздаги янги «Ҳасанбой-1», «Ҳасанбой-2» мавзеларини тўла газлаштириб бўлдик. Энди эса «Ҳасанбой-3» мавзесини газлаштириш учун лойиҳа ишлари бажарилган ва қурилиш-монтаж ишларини бошлаш арафасидамиз. Олдимизга нимаики мақсад қўйган бўлсак, унинг асосида ҳудудимиз аҳолисини қишин-ёзин «зангори олов» билан мунтазам ва хатарсиз таъминлаш туради. Бунинг учун эса имкониятларимиздан самарали, вақтдан унумли фойдаланиш лозимлигини жуда яхши англаймиз. Шуни айтиб ўтишим лозимки, истеъмолчилар ҳам газ ҳақини вақтида тўлашса, исрофгарчиликка йўл қўймаса ва ноқонуний ўзбошимчаликларга чек қўйишса, бизнинг ишимиз ривожи учун катта ҳисса қўшган бўлишади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**суҳбатлашди**

**СУРАТЛАРДА: бошқарма раҳбари Шуҳрат Тожиев ҳисоблагич ўрнатувчи пайвандчилар бригадаси аъзолари билан; пайвандчи Дилшод Исломов сифатга алоҳида эътибор қаратади.**

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

# ТЕЖАЛГАНИ ЎЗИМИЗГА ФОЙДА

**• Мурод ЮСУПОВ, Ҳамза тумани:**

**— Барчамизга маълумки, сув бебаҳо неъмат ҳисобланади. Лекин ҳаммамиз ҳам унинг қадрига етавермаймиз. Кўпинча сувни тежаб-тергаб ишлатмай исрофгарчилигига йўл қўядиганлар учраб туради. Баъзи хонадон эгалари эса соатлаб водопровод жўмрагини очиб қўйишади. Лекин кейинги пайтда ичимлик сувини тежаш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик хусусида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ўз ижобий самарасини бераётганлиги қувонарлидир.**

Сувни, умуман энергия ресурсларини тежашда ўлчагич ускуналарнинг афзаллигини бугун тажриба кўрсатмоқда. Бизнинг хонадонимиз маҳалла этагида жойлашганлиги боис ҳар йили ёзда сув етиб келмаслигидан азият чекардик. Сув ҳисоблагич ускунаси ўрнатилгач эса сув бир маромда оқа бошлади, қийналишларимизга ҳам чек қўйилди. Бунинг асосий сабаби энди хонадон эгалари беҳудага сув жўмрагини очиқ қолдирмасликка, уни исроф қилмасликка ҳаракат қилишмоқда. Чунки электр энергияси сингари сувга ҳам сарфига яраша ҳақ тўлашга ўргандик-да. Ахир сув беҳудага исроф бўлса, бу хонадон соҳиби ҳамёнига зарар қилади. Ҳисоблагич ғириллаб айланиб турса, шунга яраша оила бюджетидан маблағ кетгандан кейин ўйлаб қолишингиз табиий ҳол.

Оиламизда 11 жон яшаймиз. Ҳисоблагичнинг нафини жуда яхши сезиб турибмиз. Аввалгидан анча кам пул тўлаяпмиз, хонадонимизда эса ҳамиша сув борлигидан ҳурсандмиз. Ҳа, ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши. Шунинг учун ҳам сув ҳисоблагичларнинг ҳар бир хонадонга ўрнатилиши тириклик манбаи бўлган ичимлик сувини тежашда жуда наф беради. Сувнинг ҳам, маблағнинг ҳам тежалиши ўзимизга фойда.

# ЧОРАСИНИ ТОПИШ КЕРАК

**• Моҳира ЙЎЛЧИЕВА, Мирobод тумани, ўқитувчи:**

**— Илгари маҳаллада, хусусий уйларда яшар эдик. Мен келин бўлиб тушган хонадон аъзолари орасталикни ёқтиришарди. Шу боис бўлса керак, ёз кунларида кунига икки маҳал эрталаб ва кечки пайт ҳовли, дарвоза олди, кўчаларни сув сепиб супурардик. Негаки тозаликка нима етсин. Ўзингизнинг ҳам баҳри-дилингиз очилади...**

Фарзандларим катта бўлгач алоҳида уйга кўчдик — 5 қаватли уйнинг охирги қаватида яшаяпмиз. Мана олти ой бўляптики (балки ишонмассиз) ҳали бирорта қўшнимнинг йўлакни тозалаганини кўрганим йўқ. Қизим, гоҳида ўзим ҳафтада бир бор йўлакларни 1-қаватгача тозалаб қўямиз. Баъзида қўшни аёллар соатлаб кўчада чақ-чақлашиб туришади. Йўлаклар билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Ишонсангиз, хонадон ичи европача таъмирланган, ярқирашидан кўзингиз қамашади. Лекин ҳар куни қадам босиб «кошона»га кирадиган остонаси ифлос, деворлар пўпанак босиб ётибди.

Бир куни гаплашиб турганимизда шу ҳақда атайлаб гап очиб, «Ҳаммамизнинг қизларимизнинг бўйи етиб бораяпти, ҳар куни йўлакларни, кириш жойларини сув сепиб супуриб туришса қандоқ яхши бўларди» деганимни биламан, аёллардан бири лаб буриб: «Уй тозалаганимиз ҳам етар, ширкат фаррошига пул тўлаймиз, керак бўлса тозаласин», деди жаҳл билан. Бошқалардан садо чиқмади. Ахир бу бизнинг уйимиз, уни ораста сақлаш, авайлаб-асраш бурчимиз-ку. Эртага ўсиб келаётган фарзандларимиз ҳам биздан ўрнак олишади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Биз истиқомат қилаётган кўп қаватли уйлар ҳам маҳаллага қарайди. Лекин негадир уларга маҳалла қўмитасидан эътибор йўқ ҳисобида. Мана бу йил Обод маҳалла йили. Албатта, ҳар бир хонадонда яшовчи ўз турар-жойида ободончиликка ҳисса қўшиши лозим деб биламан. Шунинг учун ҳам маҳалла қўмитаси фаоллари, хотин-қизлар комиссияси раисалари ташаббусни яна ҳам қўлларига олиб мана шу кўп қаватли уйлар озодалигига эришиш учун яшовчиларни жалб этса, иложи бўлса «Энг яхши уй», «Энг тоза йўлак» деган танловлар ўтказилса қандай яхши бўларди.

«Тошкент оқшоми»

# Ҳуқуқий Маслаҳатхонаси

## Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик – ҳаёт мезони

**(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)**

( Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

### 4.6. Гаров шартномаси

**130. Гаров тушунчаси нима ва гаровнинг вужудга келиши қандай асосларга эга бўлади?**

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни, шу жумладан кўчмас мулкни, автомототранспорт воситасини ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади ***(Фуқаролик кодексининг 264-моддаси).***

Гаровга кўра, гаровга қўювчи гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда, гаровга олувчи бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан шу мол-мулк эгасининг, яъни гаровга қўювчининг бошқа гаровга олувчиларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.

Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзага келади.

Гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ***Фуқаролик кодексининг 264 – 289-моддалари*** ва янги таҳрирдаги ***«Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни*** нормалари билан тартибга солинади.

**131. Ҳамма нарсани ҳам гаровга қўйиш мумкинми?**

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин. Қуйидагилар, ***Фуқаролик кодексининг 267-моддасига*** биноан, бундан мустасно:

муомаладан чиқарилган ашёлар;

кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар;

алиментлар тўғрисидаги талаблар;

ўзга шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар.

Гаровнинг ипотека деб аталувчи турида гаровга қўйиладиган нарсалар жумласига бинолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, турар жой хоналари (жойлашган ер участкалари билан бирга), қонун ҳужжатлари билан кўчмас мулк сирасига киритилган бошқа мол-мулк, шунингдек ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар киради.

Шартнома шартларига мувофиқ ёки шу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк асралишини таъминлаш зарурати кўра гаровга олувчи: 1) бу мол-мулкни асраш ва (ёки) қўриқлаш учун; 2) гаровга қўювчининг бу мол-мулк билан боғлиқ солиқлар, йиғимлар ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларини тўлаш учун харажатлар қилишга мажбур бўлган ҳолларда гаровга олувчининг бундай харажатларини қоплаш гаровга қўювчи ҳисобидан таъминланади.

**132. Квартира гарови билан таъминланган мажбуриятнинг гаровга қўювчи томонидан бажарилмаслиги қандай оқибатларга олиб келади?**

Мулкдор олган қарзини таъминлаш учун ўз квартирасини гаровга қўйган бўлса, гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган, яъни қарзини қайтармаган тақдирда квартирага бўлган мулк ҳуқуқи гаровга олувчига ўтади. Шу сабабли уй, квартира мулкдорлари қарз гаровга олувчига қайтарилмаганда гаров шартномасининг суд томонидан эътироф этилиши квартира бошқа шахс ихтиёрига ўтишига сабаб бўлишини унутмасликлари керак.

Умуман, кўчмас мулк эгалари, уй, квартира мулкдорлари шартнома тузаётганда мақсадни аниқ белгилаб олишлари ва ўз ҳаракатлари оқибатларини аниқ тасаввур этишлари шарт. Агар бу олди-сотди бўлса, чиндан ҳам квартирани сотиш шартномаси тузилиши керак. Борди-ю квартирадан гаров тариқасида фойдаланиш бўлса, у ҳолда гаров шартномаси тузилиши керак.

Гаровга қўювчи гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, гаровга олувчининг талабларини қондириш учун ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилади.

Гаров шартномаси нотариал тасдиқланиши, бундан ташқари:

квартира (уй) гарови билан боғлиқ шартнома уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш инспекциясида;

автомототранспорт воситалари гарови шартномаси Давлат автомобиль назорати инспекциясида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

(Давоми бор)

# ИШОНЧ РЕЙТИНГИ АСОСИДА

**Ўзбекистон Банклар уюшмаси томонидан таъсис этилган “Ахбор рейтинг” банклараро рейтинг компанияси 1997 йилдан буён Ўзбекистондаги барча тижорат банклари фаолияти рейтингини ўтказиб келади.**

Рейтингнинг асосий натижалари республиканинг йирик нашрларида чоп этилмоқда, иштирокчи банклар орасида тарқатилмоқда. Буларни эълон қилишдан мақсад ҳар бир банкнинг ўз мижозлари, шериклари ва кўзда тутилган инвесторлар орасида обрўсини оширишдан иборат.

Банкнинг умумреспублика рейтингидаги иштироки унинг очиқлик ва шаффофликка интилишидан далолат беради. Бундан ташқари, банклар тизимидаги шериклари ўртасида мавқеларини баҳолаш ўз кўрсаткичларини яхшилаш ва инвестицияларни жалб қилиш учун рейтинг натижаларидан фойдаланмоқда.

Айни пайтда компания кредит уюшмаси фаолиятининг барча жиҳатларини акс эттирувчи статистика русумларини қўллаб мавжуд молиявий кўрсаткичларни фойдаланишга асосланган кредит уюшмалари фаолияти рейтингини баҳолашнинг ноёб услубини яратиш устида иш олиб бормоқда. Тижорат банкларининг рейтинг баҳолашни ўтказиш тажрибаси “Ишонч рейтинги” услуби бўйича кредит уюшмаларини рейтингини олиб боришни кўзда тутади. “Ишонч рейтинги” тўртта русумлаштирувчи кўрсаткичга асосланади. Булар молиявий фаолиятнинг миқёси, сармоянинг етарлилиги, ликвидлик ва даромадлилик ҳисобланади.

Кредит уюшмаларини баланс ҳисобидан фойдаланиб, уларнинг молиявий кўрсаткичига қараб кредит уюшмаларининг даражаларини баҳолаш мумкин.

**«Туркистон-пресс»**

**• ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ**

# Қувноқ таътил даврида

**Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари давом этмоқда. Шуниси қувонарлики, болажонларнинг кўпчилиги қувноқ ва серзавқ таътилни сўлим оромгоҳларда мириқиб дам олиб ўтказишмоқда. Албатта, ёз гаштини соя-салқин дам олиш масканларида тенгдошлар билан яйраб ўтказганга нима етсин.**



Ана шундай оромгоҳлардан бири Бўстонлиқнинг Хушманзара ҳудудига жойлашган «Зангори олов» болалар дам олиш масканидир. «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси тасарруфида бўлган ушбу болалар оромгоҳи жорий йилда ҳам ўғил-қизларнинг сермазмун ҳордиқ чиқаришлари, таътил даврини қувноқ ва шодон, соғлом ва тетик ўтказишлари учун пухта ҳозирланди. Мавсумда 650 нафарга яқин болажонларни ўз бағрига олувчи оромгоҳ уларнинг чеҳраларидаги мамнунлик, дилларидаги завқ билан янада ўзгача тус олади, оламнинг шодлиги шу ерда мужассам бўлади гўё.

«Зангори олов»да ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиздаги корхона, ташкилот, муассасаларни узлуксиз ва бехатар табиий газ билан таъминлашда ғайрат кўрсатаётган ишчи ва хизматчилар фарзандларининг ҳордиқ чиқаришлари, спорт билан шуғулланишлари, мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё.

Оромгоҳга кириб боришингиз ҳамон салқин ҳаво, орасталик, сув ҳавзасида чўмилаётган болаларнинг шодон қийқириқлари дилингизга ажиб илиқлик бағишлайди.

— Ҳар йили дам олиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрамиз, — дейди оромгоҳ директори Йўлдош Холметов. — Бу борада «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси мутасаддилари яқиндан ёрдам беришади. Ҳозирги кунда оромгоҳнинг иккинчи сменасида 200 дан зиёд болажонлар дам олишмоқда. Улар ёшига қараб 7 гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳнинг тарбиячилари ўғил-қизларнинг дам олишларини ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшади.

Шуниси эътиборлики, оромгоҳнинг иш режасига кўра дам олувчи ўқувчиларнинг билимли, зукко, соғлом ва бақувват бўлишлари учун барча имкониятлар ишга солинади. Оромгоҳдаги «Моҳир қўллар» тўгарагида қизлар бичиш-тўқиш сирларини ўрганишса, ҳар куни ўтказиладиган спорт мусобақалари қизиқарлилиги билан болажонларни мамнун этади. Чўмилиш ҳавзаси эса ҳамма учун энг севимли жой ҳисобланади. Спортнинг баскетбол, қўл тўпи, волейбол, шахмат-шашка турлари бўйича беллашувларда эса ғолибларга совғалар улашилади. Бир умр болалар ёдида саҳланиб қоладиган кечки гулхан маросимлари унутилмас лаҳзаларни ҳадя этади.

Болаларга меҳрибон тарбиячилар Ҳуриниса Жўраева, Татьяна Ким, уларнинг соғлиқларини ҳамиша назорат қилувчи шифокор Янгилжон Абдуллаева, ширин таомлари билан барчани хушнуд этаётган ошпаз Содиқ Умаровлар дам олувчилардан ҳар қандай ёрдамларини аяшмайди. 500 дан зиёд турли мавзудаги китоблар жамланган кутубхона эса ўғил-қизларнинг энг севимли маскани ҳисобланади. Ушбу зиё масканида ўтказилаётган кечалар болаларнинг адабиётга, китобларга бўлган қизиқишларини янада орттирмоқда.

— Болангизнинг тинчлиги, соғлиғи, ишончли, меҳрибон қўлларда бўлиши, албатта, меҳнатингиз унумини таъминлайди, — дейди ўғиллари Жасур ва Рустамдан хабар олгани келган ишчи Маҳбуба Ниёзова. — Уларнинг оромгоҳ ҳаётидан мамнунлигини, кўплаб дўстлар орттирганини кўриб кўнглим кўтарилди. Мусобақаларда ғолиб ҳам бўлишади.

— Уч йилдан буён мана шу оромгоҳда дам олиб, ёзги таътилни мароқли ўтказаман, — дейди Жасур Бобоқулов. — Бу ердаги спорт ўйинлари, кўрик-танловлар, айниқса менга ёқади. Мактабимга яхши таассуротлар билан қайтаман. Янаги йил эса насиб этса яна шу ерга ҳордиқ чиқаргани келмоқчиман.

Энг муҳими эса ушбу оромгоҳда дам олган 600 нафардан зиёд болаларнинг таътил даврлари кўнгилдагидек ўтгани, ота-оналарнинг фарзандларидан кўнгли хотиржамлигидир.

**Дилноза ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: оромгоҳ ҳаётидан лавҳа.**

*Оламда нима гап?*

## Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Ироқда турган Америка аскарлари 55 кишилик «қора рўйхат»даги икки кишини ҳибсга олганлар. Уларнинг бири собиқ Президент Саддам Ҳусайн даврида ички ишлар вазири бўлиб фаолият юритган Маҳмуд Диёб ал-Аҳмад бўлса иккинчиси собиқ Баас партиясининг юқори мартабали вакили, революцион қўмондонлик кенгаши аъзоси Мизбан Хадр ал-Хадидир. «Қора рўйхат»дан 23-рақами остида ўрин олган ал-Хади ўз хоҳиши билан таслим бўлган бўлса, 29-рақамли ал-Аҳмад махсус операция чоғида ушланган.

◆ Тожикистон шимолидаги Панжикент туманида сув тошқини қайта юз бериши мумкинлиги муносабати билан фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Интерфакс»га маълум қилишича, тоғларда юз бераётган кучли ёмғир ва қорнинг тез эриши оқибатида маҳаллий дарёларда сув сатҳи кўтарилиб бормоқда. Маълумки, шу йилнинг июнь ойида Панжикентда сел келиши оқибатида уч киши оламдан кўз юмган, 200 киши эса уй-жойсиз қолган эди. Ўшанда бу табиий офат мамлакатга 1,5 миллион долларлик зарар келтирганди.

◆ Олти йил давомида олиб борилган қидирув ишларидан сўнг Италия полицияси Рим музейидан ўғирлаб кетилган тахминан Аппалонни ифодаловчи фил суягидан ясалган бебаҳо ниқобни топишга муваффақ бўлди. Ниқоб Буюк Британия пойтахтидан чиқди. Журналистларни албатта асосан иккита савол қизиқтирарди: экспонат қандай қилиб музейдан ғойиб бўлган ва полиция қандай қилиб жиноятчиларнинг изига тушган. Терговни олиб бораётган мутахассислар ҳеч нарсани очиқ айтишмади ва фақат бу анча нозик маълумот, деган сўзлар билан кифояланишди.

◆ Красноярск шаҳрида комбайнларнинг антиқа мусобақаси ўтказилди. Бошқа уловларга қараганда комбайнларнинг орқа ғилдираги ўзгача ишлайди. У дарҳол олдинга тўғриланиб қолади. Шунинг учун ўз «пўлат от»ларида йўлга чиққан ҳайдовчилар жуда сергаклик билан йўл босдилар. Шундай қилиб, комбайнчилар бир неча кун ичида 5317 километрлик масофани босиб ўтдилар ва омонэсон маррага етдилар.

◆ АҚШда автомобилда беш соат қамалиб қолган икки бола ҳаётдан кўз юмди. Маълум бўлишича, уларнинг онаси машинани қулфлаб, спорт марказига кириб кетган. Бир неча соатдан сўнг полиция шерифи болаларни кўриб қолган. Шериф Пол Паттерсоннинг айтишига қараганда, беш ёшли болакай автомобиль очилмай турибоқ вафот этган. Танаси бутунлай ҳолдан тойган унинг уч ёшли укаси эса касалхонада жон берган. Бу фожеали воқеа Лос-Анжелосдан 100 километр четроқдаги шаҳарчада юз берган. Шу куни ҳаво ҳарорати 37 даража бўлган, шерифнинг айтишича, машина ичидаги ҳарорат 50 даражага етган.

## «Шарқ Марк Твейни» Грецияда

**Атоқли ўзбек шоири, академик Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асари грек тилига таржима қилинди. Шу муносабат билан Афинадаги «ЭМКАТ» ташкилотида янги китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Афинадаги бош консулхонаси ҳайрихоҳлигида ва «Афинада Ғафур Ғулом ҳафталиги» доирасида ташкил этилган бу маросим забардаст сўз санъаткорининг 100 йиллик таваллуд тўйига бағишланди.**

Греклар учун Ғафур Ғулом ижоди янги топилма эмас. Тарихшунос Димитрис Янгос таржимасидаги «Шум бола» асари эса атоқли адибимизнинг грек тилидаги илк китоби, Ғафур Ғулом ижодидан бошқа тиллар орқали хабардор греклар учун ажойиб совға сифатида эътироф этилиши ўринли бўлади.

Миллий адабиётимиз, санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган Ғафур Ғулом таваллудига бир аср тўлди. Юбилей арафасида Ўзбекистоннинг барча жойларида адабиёт ва санъат аҳли, зиёлилар иштирокидаги учрашувлар ташкил қилинди. Мамлакатимиз маданий ва маънавий ҳаётида катта воқеа сифатида эътироф этилган байрам муносабати билан Тошкент шаҳридаги марказий истироҳат боғларидан бирига Ғафур Ғулом номи берилди, боғга кираверишда салобатли ҳайкал қад кўтарди.

Академик шоирнинг юбилей тантанасига бағишланган байрам тантанасида нутқ сўзлар экан, Президентимиз Ислом Каримов «Ғафур Ғуломни биз, аввалambор, Ўзбекистонимизнинг табаррук тупроғини жон дилидан севган, ўз тақдирини она юрт тақдири билан чамбарчас боғлаган, бошига дўпписини дол қўйиб, жаҳонга бағрини кенг очиб, ўзининг оддий ва соддалиги, айни пайтда буюклиги билан ажралиб турадиган инсон сифатида тасаввур этишимизни» таъкидлади.

Адабиёт учун жуда камёб саналган ҳам наср, ҳам назмда бирдек ижод қила олиш маҳоратини эгаллаган Ғафур Ғулом бор соддалигини ҳаммамиз учун севимли «Шум бола» асарида намоён этди. Бугун нафақат адабиётимиз, балки драматургия ва кино йўналишида ҳам мукаммал талқин этилган ва ўз ўқувчилари олқишига сазовор бўлган «Шум бола»нинг ҳатто собиқ иттифоқ даврида ҳам чет ўлкаларга кириб боргани ва дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинганидан хабардормиз. Хориж адабиётшуносларининг Ғафур Ғуломга «Шарқ Марк Твейни» деб нисбат берганликларига ҳам айнан шу саргузашт қисса сабаб бўлгани табиий.

**Аваз БЕРДИҚУЛОВ, «Жаҳон» АА.**

## ЛЮДВИГАНИНГ ПЛАСТИК ОЛАМИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида Людвига Нестеровичнинг “Пластика оламига дарча” мавзуида шахсий кўргазмаси очилди.**

— Людвига Нестерович изланувчан ва ўзига хос йўналишга эга бўлган ҳайкалтарошдир, — деди санъатшунос Гавҳар Тошева “Туркистон-пресс” мухбирига. — Нестеровичнинг пластик санъати бадиий тасвирлилик ва ифода воситалари билан уйғун, шунингдек халқ амалий-безак санъати билан ҳамоҳангдир. Жумладан, ижодкорнинг “Лочинлар ови”, “Мўйсафидлар” каби асарлари босқичма-босқич яратилди. У сермаҳсул ижодкор. Унинг пластик ва ҳайкалтарошлик асарлари безакдор, ранг-барангдир. У ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббат билан мурожаат этиб, ҳозирда долзарб муаммога айланган атроф-муҳит масалаларини қалб ҳайқириғи ила очишга ҳаракат қилади. У табиатга хавф солаётган муаммоларнинг олдини олишга уринади. Людвига Нестерович санъатида глобал муаммолардан ҳисобланмиш табиат ва инсон муаммоси ўз аксини топаётгандек туюлади.

Таъкидлаш жоизки, Людвига Нестерович санъати ўзининг ғаройиблиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг тош, ониксдан яратилган ҳайкалтарошлик асарлари санъат ихлосмандлари қалбида яна бир бор табиат муҳофазасига эътибор қаратиш туйғусини уйғотса ажабмас.

**Республика ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказида Ўзбекистон билан Хитой ҳукуматлари ўртасида таълим тизимидаги алоқалар ривожига бағишланган ҳужжатларни имзолаш маросими ўтказилди.**

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ОИД ҲУЖЖАТ

— Бугунги кунда таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида ривожланган, шу соҳада катта тажрибага эга мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилмоқда, — деди ўрта махсус касб-ҳунар маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов. — Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида таълим сифатини ошириш, ўқув муассасалари моддий техника базасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг дунё давлатлари, хусусан Хитой Халқ Республикаси билан йўлга қўйган ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, яқинда мамлакатимизга Хитой ҳукумати томонидан қиймати 626 минг АҚШ долларига тенг компьютер технологияларидан иборат беғараз ёрдами келтирилди.

Ж. Ҳусановнинг таъкидлашича, келтирилган 325 та компьютер технологиялари тўпламидан 192 таси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига ажратилиб, 14 та касб-ҳунар коллежи ҳамда иккита академик лицейда 16 та ахборот технологиялари синфи ташкил этилди. 108 та компьютер “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси ҳамда бошқа бир қатор муассасаларга тақдим этилди.

— Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик тарихи узоқ ўтмишга эга. Машҳур “Буюк ипак йўли” халқларимиз ўртасидаги нафақат савдо-сотиқ, балки бугунги маърифий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаган. Ўйлайманки, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги халқаро ҳамкорлик нафақат таълим соҳасида, балки бошқа соҳаларда ҳам ривожланиб боради, — деди ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Чжимин.

**«Туркистон-пресс»**



**Бугунги кунда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари абитуриентлар билан гавжум. Саноқли кунлардан сўнг давлат имтиҳонлари бошланади. Биз бўлажак талабаларга фақат омад тилаймиз. Келажаги порлоқ, истиқболи ёруғ, интилувчан, изланувчан ёшлар! Келажакда доно, зукко, одил, оқил инсон, севган соҳангизнинг билимдони бўлиб етишишингизга ишонамиз. Эзгу қадамларингиз қутлуғ бўлсин.**

**• ТАДБИРЛАР**

## ИСТЕЪДОДЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

**Ёшларимизни турли ёт таъсирлардан, умр кушандаси бўлмиш иллатлардан ҳоли ҳолда ҳар томонлама соғлом, баркамол этиб тарбиялаш борасида «Камолот» ЁИҲ кенг кўламдаги ишларни олиб бормоқда.**

Жумладан, куни кеча Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги, туман маданият бўлими ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида «Оймома» маданият ва истироҳат боғида қизиқарли тадбир бўлиб ўтди.

Шу туманда истиқомат қилувчи юздан ортиқ болажонлар учун ташкил этилган «Энг яхши шиор—шеър» мавзуида бўлиб ўтган ушбу учрашув барчада унутилмас таассурот қолдирди десак муболаға бўлмас.

Чунки тумандаги 56 та маҳалладан 11 та жамоа қатнашган тадбирда 4 та шарт бўйича беллашган болажонлар ўз истеъдодларини, билим ва салоҳиятларини, чаққон, эпчилликларини намойиш этдилар. Учрашув қатнашчилари ота-оналар, ўқитувчилар, педагог-тарбиячилар уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб турдилар.

Деворий-газеталар кўрик-танлови ҳам ўзига хос тарзда бўлиб ўтди.

## ОММАВИЙ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

**Худди шу куни туман камолотчилари Амир Темур маҳалласида яна бир тадбирни ўтказдилар.**

Ёзги таътил кунларида уйда дам олаётган болажонларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида бўлиб ўтган ушбу спорт мусобақаларида 68 нафар болажонлар иштирок этишди.

— «Кўчма оммавий спорт ўйинлари» учрашувлари тумандаги барча маҳаллаларда ўтказилиши режалаб қўйилган, — дейди «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти раиси Ҳабиба Муҳамедова. — Мақсадимиз соғломлаштириш оромгоҳларига боришнинг имкони бўлмаган болажонлар бўш вақтларини мазмунли, қизиқарли, спорт билан ошно бўлган ҳолда ўтказишларига кўмаклашишдан иборат.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## Спорт

### Янги номлар кашф этилди

Пойтахтимиздаги шахмат клубида 18 ёшли ўсмирлар ўртасида уюштирилган шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари мутахассислару мухлисларга янги номларни кашф этди. Чунки эркаклар ва қизлар ғолиблик учун кураш олиб борган беллашувларда Тошкент шаҳри ҳамда 10 та вилоятдан 68 нафар ёш истеъдодлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шуниси қизиқки, мутахассислар фикрига кўра, чемпионатда пойтахтлик ФИДЕ устаси Антон Филиппов ҳамда самарқандлик Юлдуз, Шаҳноза Ҳамроқулавалар биринчи ўринга асосий даъвогарлик қилишарди. Бундан ташқари ушбу нуфузли турнирда спорт усталари, ФИДЕ устаси ҳам ўз маҳоратларини намоён этаётганди. Аммо қизиқарли, кескин курашларга, комбинацияларга бой кечган мусобақалар якунида омад пойтахт вилояти шахматчиларига кулиб боқди. Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда барча рақибларини доғда қолдирган Дамир Ҳусниддинов ғолибликка асосий даъвогар ҳисобланаётган бўлса, қизлар орасида пойтахт вилоятининг яна бир вакили Лёвушкинага тенг келадиган рақиб топилмаётир.

### Совғалар топширилди

Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактаб қошида ташкил этилган «Наврўз» оромгоҳи ҳақиқий байрам тусини олди. Бу ерда дам олаётган ёшлар оилавий кўчма спорт ўйинларида футбол, волейбол, кўл тўпи, шахмат, шашка, теннис бўйича мусобақалар уюштиришди. Кескин курашларга бой кечган қизиқарли тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддилар — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Шайхонтоҳур туман бўлими ҳамда «Наврўз» оромгоҳи маъмурияти таъсис этган совғалар туҳфа этилди.

### Ёш боулингчилар беллашди

Тошкент шаҳрида уч кун давом этган спортнинг боулинг тури бўйича Ўзбекистон чемпионати беллашувлари ниҳоясига етди. Эркаклар ва аёллар ўртасида уюштирилган ушбу турнир мамлакатимизда ҳам боулинга ёшлар орасида қизиқиш кучайиб бораётганлигини исботлади. Эркаклар ўртасидаги кескин, муросасиз ва қизиқарли кечган баҳсларда Сергей Салов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Игорь Бондаренкога иккинчи ўрин насиб этди. Қизлар мусобақасида эса биринчи ва иккинчи ўринларга Елена Кузнецова ҳамда Лора Малиевалар сазовор бўлишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЙЎЛЛАРДА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК!

## Тошкент шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига МУРОЖААТНОМА

2003 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Тошкент шаҳрида 964 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Албатта, йўл-транспорт ҳодисалари ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Бунинг олдини олиш учун сиз билан биз кўча ва йўлларда бепарво бўлмасдан, эътиборни жамлаб, оддий йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиб юришимиз зарур. Ҳар бир пиёда, ҳар бир транспорт бошқарувчиси, умуман ҳар бир йўл ҳаракати иштирокчиси йўлга, кўчага чиққанда, ўзини эркин тутиб, йўл белгиларига, йўлчироқларга, ер усти ва ер ости ўтиш жойларига аҳамият берган ҳолда ҳаракат хавфсизлигига риоя қилиб юриши лозим.

Ҳурматли пиёдалар, азиз болажонлар! Шаҳримиз кўчаларида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти пиёдалар, айниқса болалар иштирокида содир бўлмоқда. Бу дегани ҳар биримиз йўлда энг асосий объект ҳисобланамиз. Шуни инобатга олган ҳолда тунги вақтда йўлнинг ўртасидан ўтишга, юришга ҳаракат қилманг, йўлни фақат белгиланган жойдан, машина йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг тўғри кесиб ўтинг. Зарурият бўлмаган ҳолда йўлкадан, йўлка бўлмаган жойларда эса йўлнинг чап тарафидан, транспортга қарама-қарши юринг. Ҳеч вақт тўсиқлар (яъни автобус, троллейбус, трамвай, автомашиналар ва яшил зоналар) орасидан югуриб чиқманг. Йўлларда болалар ўйнашини олдини олинг.

Қадрли маҳалладошлар, ота-оналар! 2003 йил Президентимиз томонидан Обод маҳалла йили деб эълон қилинган. Ушбу ташаббусни эътироф этган ҳолда, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари тўй-ҳашамларни ўтказишда, келин-куёв сайллари пайтида йўл-ҳаракати қоидаларига риоя қилиш, автомашиналар сонини тўрттадан оширмаслик юзасидан тушунтириш ишларини олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Айнан биз, катталар, бепарво бўлмасдан ёшларга тўғри кўламда йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ риоя қилишни тушунтириб борсак, уларнинг ўз орзу-умидларига етишгандаги қувончларини бирга баҳам кўрган бўламиз.

Ўз жигаргўшаларимизнинг йўлларда автомобиль остида қолиб кетишига йўл қўймайлик. Болалар бизнинг келажагимиздир, уларни асрайлик. Йўл ҳаракати қоидаларига биринчи навбатда ўзимиз риоя қилсак, фарзандларимиз ҳам албатта риоя қиладилар. Болаларимизнинг айниқса ёзги таътиллари вақтида эҳтиёт бўлишларини доимо эслатиб боришни унутмайлик.

Ҳурматли транспорт воситалари эгалари! Ҳамма вақт, ҳар куни йўлга чиқишдан олдин автомашинангизнинг техник жиҳатдан созлигига эътибор бериб, ўзингиз ёки ўзгаларнинг умрига хавф туғдирмайдиган даражада бошқаринг, ҳеч қачон рулни спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқарманг, тезликни оширманг, йўл белгиларига, йўлчироқларга риоя қилинг, пиёдалар ўтиш жойларига амал қилинг, тунги вақтда ёритиш асбобларидан тўғри фойдаланинг. Ўзингиздан бошқа йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро хушфеъл ва ҳурматда бўлинг.

Ҳурматли дўстлар, мана шундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, болаларимизнинг умрини, соғлиқ-саломатлигини сақлаш мақсадида пойтахтимизда 1 июндан 31 августга қадар «Таътил» тадбири ўтказилмоқда. Бу тадбирга шаҳримизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг ҳиссасини қўшиши керак. Тадбирнинг мақсади маълум бўлсада, бу ҳақда жойларда — ҳар бир маҳаллада, ҳар бир оромгоҳда, таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида кенг тарзда тушунтириш ишларини олиб боришга чақирамиз.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссияси**




Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

• АЖОЙИБОТЛАР

### ИССИҚ ЖОЙИНИ СОВИТДИ

Нью-Йорк штатининг шимолида мўъжазгина Уэсли-Хилз шаҳарчаси бор. Шаҳарчада истиқомат қилувчи 24 ёшли Майкл Эделмон учун уйидан кўчиш чинакам фожиага айланиши мумкин. Гап шундаки бечора Майкл на ўрнидан тура олади, на ҳаракат қила олади. Йўқ ногирон ҳам, фалаж ҳам эмас. Сабаби унинг вазни 383 килограммдир. Аммо бу касаллик Майклнигина эмас, унинг 181 килограммлик онасини ҳам ўз комида муаллақ ушлаб турибди.

— Ҳозирги иморати таъмирталаб бўлган, мана шу сабабли Майкл учун янги бошпана топиш осон бўлгани йўқ, — дейди маҳаллий маъмурлардан бири.

Бақалоқнинг адвокати хабар қилишича, шаҳар маъмурлари махсус автокўтаргич ёрдамида Эделманни каравоти билан бирга юк машинасига ортишни мўлжаллаяпти. Ана шу машина уни янги истиқомат жойига элтиб қўяди. Аммо бу режани врач рухсат берганидан кейингина амалга ошириш мумкин эмиш.

### ШОҲОНА ТЎЙ

1971 йилда Ҳиндистон шаҳарларидан бирида бўлиб ўтган тўй нафақат ҳиндистонликларни, балки бутун оламни ҳайратга солган эди.

Унда Андхра-Прадеш штати раҳбарининг қизи турмушга чиқаётган эди. 100 минг киши таклиф этилган жойни безатиш, дастурхон тузатиш учунгина 600 минг рупий сарф қилинган. Сочилган пуллару, санъаткорларга кетган харажатнику гапирмай қўя қолайлик. Ахир 1 ой давом этган бу дабдабали тўй бекорга бутун дунёга овоза бўлмаган-да.

Тўёна тариқасида автомашиналар, тилла тақинчоқлар (жами 500 га яқин) тақдим этилган. Дабдабали тўйдан тарқаётган 100 минг киши ҳукумат аъзосининг қизи бойлигига ишониб шўрлик қайнона-қайнотасининг ҳурматини жойига келтирармикан деб ўйлашмасди ҳам.

Бу маълумотни эшитиб, кўп ажабланмадик:

— Нима бўпти? Бизда ҳам баъзи тўйлар бундан қолишмайди!

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 106-ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Курбанов Дилшод Турсунахунович номига берилган Г № 300008 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий бизнес бўйича эълонлар ва хусусий эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г-547. Топширилди 12.40 1 2 3 4 5 6